

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



6 июн
чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 110 (2672)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 июн куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди.

— Бу учрашуви анчадан буюн қутаётган эдик, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш жараёнида четдан қўрсатилмаган ёрдамни, айниқса, сизнинг маслаҳатларингиз, бой тажрибагизни қадрламай йиқиб йўқ. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстона муносабатлар ва самарали ҳамкорликнинг ривожига ҳам сизнинг ўрниниқ қатнашганга қадрият қатнашганга.

Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни амалга оширишда хорижий шериклар кўмаги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик гоят самарали кечаётганини таъкидлаш жоиз. У муайян стратегия асосланган бўлиб, бу стратегия ҳар уч йилда янгиланиб турилади. Утган йили 2000-2003 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ишлаб чиқилган эди. Яна Ўзбекистонга берилган молиявий ёрдам қаровини кенгайтириш, йўл қурилиши, агросаноат ва таълим йўналишлари қаторига шаҳар инфратузилмаси ҳамда молиявий секторни қўшишни кўзда тутди.

Маъзур банк кредитлари кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, умумтаълим мактаблари учун дарсликлар нашр этишни тақомиллаштириш, Чингелди-Самарқанд темир йўли ҳамда Каттакўрган-Навоий йўналишидаги автомобил йўлини таъмирлаш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳасида Қарши, Жиззах ва Гулистон шаҳарларида иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда иситиш тизимларини яхшилаш кўзда тутилган. Умуман, санайверса, қўшма лойиҳалар анчагина.

Мулоқот чоғида ўзaro ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳусусида фикр алмашилди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлисда

Архивлар — халқ бойлиги

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йўналишида «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Ўзбекистон Республикаси Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан ижро этилиши ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Йўналиш комиссияси раиси Нарзулла Жўраев олиб борди.

Айтиш лозимки, «Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижро этилиши борасида республикамизда муайян ишлар қилинган. Утган давр мобайнида 85 та архив бўлимлари ва давлат архивларининг низомлари қайта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Республика марказий давлат архивлари томонидан 83 та идоравий архивлар ва 68 та эксперт комиссияларининг низомлари, иш юритиш бўйича 50 та йўриқнома ва 50 дан ортиқ йўриқнома жиддидан рўйхати маълумланган. Республика давлат архивлари 1999-2000 йилларда доимий сақлаш учун 217,2 минг йўриқнома бошқаруви оид ҳужжатлар, 48 сақлов бирлигида кино ҳужжатлар, 5,8 мингдан ортиқ сақлов бирлигида фото ҳуж-

жатлар ва 211 сақлов бирлигида фото ҳужжатлар қабул қилган.

«Архивлар тўғрисида» Қонун қабул қилинган, республикада архив ишини ривожлантиришга эътибор ошганлиги йўналишида алоҳида таъкидланди. 2000 йилги асосий кўрсаткичларнинг баъжарилганлиги ва иш турининг бир йил мобайнида 10 тага кўпайганлиги ҳам бу фикрнинг исботидир.

Лекин шу билан биргаликда Қонуннинг ижро этилиши йўлида жиддий муаммоларга ҳам дуч келинапти. Айниқса кадрлар масаласида камчиликлар кўп. Соҳага олий маълумотли мутахассислар нисбатда зарур. Вазирилик, идора, корхона, таъкидлаш ва муассасалар архивлари ходимларини қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш тизимини ташкил этиш ва тақомиллаштириш масалалари бутунлай эътибордан четда қолган.

1966 йилда барпо этилган Марказий давлат архиви буюнига Ўзбошархив, Тошкент вилояти ҳокимлигининг архив бўлими, маъзур вилоят давлат архиви, Республика илмий-техникавий ва тиббиёт

ҳужжатлари архиви ҳам жойлаштирилган. Ушбу бино чўка бошлаган бўлса-да, уни таъмирлашга аҳамият берилмапти.


Республика илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари архиви буюнининг қурилиши 1988 йилда бошланган эди. Аммо уни фойдаланишга топшириш турли баҳоналар билан орта суриляпти. Тошкент вилояти давлат архивига ажратилган буюни таъмирлаш ишлари ҳам лойсалга солинапти.

Урганишлар давомида жойлардаги архивларда иш юритиш борасида қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Тошкент вилояти ҳокимлигининг архив бўлими 2000, 2001 йиллар учун ҳатто иш режаси ҳам тузмади. Бу ерда илмий-услубий, ташкилий ишлар бўйича ҳеч қандай тадбирлар ўтказилмаганлиги ҳам ажаблантирилади. Ўзбекистон Миллий университети, Информатика коллежида давлат архивига топширилиши шарт бўлган ҳужжатлар йўқ қилиб юборилган.

Маъзурчи ва сўзга чиққанлар архивларга эътиборни янада ошириш зарурлигида алоҳида таъкидланди. Архив муассасаларида маблаг старли бўлмагани сабаб ҳужжатларни таъмирлаш ва сақлашда қийинчиликларга дуч келинаётгани айтилиди. Яна бошқа муаммолар ечими изланади.

Йўналиш сўнггида кун тартибидан масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Абдурусул САТТОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



1993 йил 28 сентябр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида маъруза қилмоқда.

(Сурат архивдан олинди).

Асрга татигулик йиллар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи. Катта залга жаҳоннинг барча мамлакатларидан ҳукумат раҳбарлари, машҳур сиёсатдонлар, жамоат арбоблари тўпланишган. Юксак минбарга ўз мустақиллигининг эндигина икки йиллигини нишонлаган давлатнинг Президенти Ислам Каримов кўтирилди. Таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг жарангдор овози янграши билан шундай катта аудиториядаги шивир-шивирлар ўз-ўзидан барҳам топди. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда бошланган иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан тортиб, дунёвий муаммолар ҳусусидаги тақлиф ва мулоҳазалари йўналганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Афғонистон ва Тожикистон теварағида содир бўлаётган воқеалар билан боғлиқ асосли фикрлар барчаннинг эътиборини тортиди. Маъруза тугаши билан кўпгина давлатлар дипломатик корпуси вакилларининг ушбу маъруза матнини сўраб мамлакатимиздан борган делегация аъзоларига мурожаат қилганликлари ҳам фикримизнинг далилидир.

Ҳа, мустақил Ўзбекистоннинг дунёдаги энг нуфузли минбарда янграган илк овози ана шундай акс-садо берган эди. Бу дақиқаларда жаҳон жамоатчилиги ЎЗБЕКИСТОН аталмиш овоз ва обод дунёни қайтадан кашф қилди, десак муволаға қилмаймиз. Зеро, Президентимиз томонидан айтилган кўйилган гапларни Ўзбекистоннинг ўзига хос таширфномаси дейиш мумкин:

«Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар қарғига бориб тақалди ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бир мана шу минтақада пайдо бўлган. «Буюк Ипак йўли» ҳам шу ердан ўтган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жуда қадим замонлардан дунёга машҳур бўлган. Олис асрларда бу шаҳарлар Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача алоқа боғланган».

1993 йилда юз берган шу сингари муҳим воқеалар билан газетамизнинг иккинчи саҳифасида таъинлашасиз.

МУСТАҚИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙЎЛ

Вақт ғанيمات

Қишлоқда олиб борилаётган ишлар аҳолини ўрганиш яқунлари бўйича вилоят ҳокимлиги, тегишли тузилмалар, идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўраевнинг бошқарди. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев вилоятнинг галлачилик ва пахтачилик ҳўжаликларида амалга оширилётган ишлар аҳоли тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда вилоят пахта далаларида аниқланган камчиликлар алоҳида қайд этилди.

Оқолтин, Мирзаобод, Шароф Рашидов ва Сайхун-обод туманларининг қатор ҳўжаликларида пахта экинларини яғаналаш ишлари ханузгача тугалланмаган ёки самарасиз амалга оширилган. Сирдарё туманида эса фақат чуқур култивация ишларини гина қўйилган самарани берди. Бироқ, маҳаллий мутахассислар ушбу муҳим шартта риоя қилиниши устидан назорат ўрнатмаган. Мирзаобод, Шароф Рашидов ва Меҳнатобод туманларида пахта майдонларини бегона ўтлар босиб кетганлигини кўриш ачинарли ҳолидир.

Йиғилишда вилоят ҳокими А.Исроилов сўзга чиқди.

Т.АХМАДАЛИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ГУУАМ: Ўзарo манфаатли ҳамкорлик

7 июн куни Ялта шаҳрида (Украина) Озарбайжон Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина Президентларининг (ГУУАМ) учрашуви бўлади.

Мазкур мамлакатлар етакчиларининг учрашувлари доимий тус олган. Ана шундай учрашувларнинг биринчиси 1997 йили бўлиб ўтган ва у ГУУАМ Страсбург комиссиясининг имзолагани билан якунланган эди.

1999 йили Вашингтонда ушбу гуруҳга Ўзбекистон ҳам қўшилганидан кейин транспорт-коммуникация магистралари, денгиз бандаргоҳларига олиб чиқилган йўллар қурилишини жаддалаштириш имко-

Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилдаги сув танқислиги, табиатнинг бошқа қийинчиликларига қарамасдан галлазорларимизда мўл ҳосил етиштирилади. Эндиги асосий вазифа пешона тери эвазига етиштирилган галлани ҳес-нобузда қилмасдан қисқа фурсатда йиғиштириб олишдир.

Давлат қабул пунктлари жорий йилда дон етиштирувчи жамоалар билан тузилган шартномага кўра 2 миллион 571,8 минг тонна галлани қўл қилиб олиши керак. Тайёрландирилган галлани 2 миллион 300 минг тоннасида товар учун, қолган, яъни 271,8 минг тоннасида эса уруғлик сифатида фойдаланилади.

Хўш, мавсумда галлани қабул қилишга масъул «Ўзон-маҳсулот» давлат-акционерлик корпорациясининг корхоналари ва шохобчалари бу ишга қандай тайёрликни кўрилади?

Биз ушбу савол билан корпорация раҳбарларига мурожаат қилдик. Уларнинг таъкидлашича, тизимдаги 274 та корхона мавсумга тайёрликни бир неча ой илгари олдин бошлаган. Бу борадаги ишларнинг қандай амалга оширилаётганлигини назорат қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳар бир вилоятга корпорация ўз вакиллари юборган. Шу билан бирга жойларда 5-25 майгача галлани давлат стандарти талаблари асосида қабул қилиниши, уни сақлаш, зарур қўнанишлардан асраш бўйича минтақавий семинарлар бўлиб ўтди. Ҳар бир корхона тарозилар, донни қабул қилиш бўйича барча воситалар шай ҳолга келтирилди.

Жорий йилда ҳам ҳар доимидек Молия вазирилик ҳузуридаги давлат буюртма-

си бўйича етиштирилган маҳсулотлар билан ҳисоб-китоб қилиш жағғармаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра галла етиштирувчи ширкат, фермер, ёрдамчи ҳўжаликлари билан ҳисоб-рақамларига аванс маблағларини ўз вақтида ўтказиб бериш. Бу табиийки, мўл ҳосил етиштиришда муҳим рол ўйнади. 22643 ширкат, фермер ва ёрдамчи ҳўжаликлар билан тузилган шартномага биноан етиштирилаётган галла баҳосининг 50 фоизи даражасидаги маблаг, яъни 54 миллиард сўм атрофидаги пул уларга берилди. Ўрим-йиғим мавсуми мобайнида ҳўжаликларга топши-

раётган ҳосилига ҳақ тўлаш даровон эттирилди.

Айни пайтда корпорация раҳбарларининг таъкидлашича, давлат буюртмаси асосида қабул қилинаётган бугуннинг 50 фоизига унинг ҳар бир килограмми учун 33 сўм 66 тишин, ундан ортиги учун эса 40 сўм 39 тишин, буюртмадан ортиқча топширилган ҳосилнинг ҳар бир килограмми эса 55 сўм атрофида пул тўлаш кўзда тутилган. Ўрим мавсуми тамом бўлгандан кейин 10 кун ичида топширилган галла учун тўла ҳисоб-китоб қилинади.

Дон етиштирувчи ҳўжаликлар бир нарсани назардан қўймасликлари керак. Галлани хирмондан давлат қабул пунктигача бўлган масофада ташиш билан боғлиқ транспорт харажатлари корпорация тизимидаги корхоналар зиммасига юкланган. Бу, мулк шаклидан қатъи назар, барча ҳўжаликларга тааллуқлидир. Агар ҳўжалик ўз транспортига галлани қабул пунктига олиб келса, унинг харажатини қайта ишлаш корхонаси тўлайди.

Жорий йилги ўрим-йиғим мавсумида галла уруғи тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Утган йили Ўзбекистон вилоятларида, масалан, Самарқанд ва Жиззахда бу ишга ик-

кинчи даражада вазифа сифатида қаралиди. Бунга чек қўйилиши зарур. Бонси, келуси йил ҳосилнинг қандай бўлиши ҳозир етиштирилган ва жағғарилган уруғлик сифатига бевосита боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу ўринда Ўзбекистон ҳўжаликлари хос салбий ҳолатларини айтиб ўтишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Айрим қайта ишлаш корхоналарига уруғлик донини нан тозалани етарли бўлмаган, ифлос ва ажратилгани қўйиб бўлган ўт уруғлари билан топширилган ҳўжалик маъжуд. Натияжада уруғлик қондицион талаб даражасида етказилиши учун бир неча марта тозаланиб, ортиқча маблаг сарфланмоқда.

Ҳозир республикамизнинг деярли барча вилоятларида шартнома асосида давлатта дон сотиш даровон этмоқда. Айни пайтдаги қабул пунктларида 200 минг тоннага яқин галла топширилди. Бу борада сурхондарёлик ва қашқадарёлик деҳқонлар пешқаддамлик қилишмоқда.

Хуллас, галлакорлар учун масъулиятни мавсум, яъни галларнинг сувдан кўтарилган пайт келди. Мавсуд имкониятларини унутмай фойдаланиш, ҳосилнинг ҳес-нобузда бўлишига йўл қўймастик, айниқса, ўрим-йиғим техникасида самарали фойдаланиш, нафатга галлакорнинг, балки ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи керак.

Дон — ризқ-рузимиз. Уни ўз вақтида йиғиштириб олиш, мавсумнинг муваффақиятини ўтишига ёрдам бериш ҳар бир кишининг вазифаси бўлиши лозим. Ана шунда дастурхонимиз тўқин ва файзли бўлади.

«Галла-2001»

Мавсум муваффақияти ўзимизга боғлиқ

Мамлакатимизда галла ўрим-йиғими кун сайин қизғин паллага кирмоқда



Ангор туманида галла ўрим-йиғими авжида. Деҳқон меҳнати ўз самарасини кўрсатапти. Алишер Шоймардонов ҳўжалик оилавий пуаратчиси. Тасарруфиди 8,5 гектар ери бор. У бошлқ пуаратчилар галла ўрнини якунлади. Режадаги 42 центнер ўрнига 65 центнердан ҳосил кўтарилди. Режадан ортиги оила омирини тўқайди.

— Авваллари, ҳўжалик, сўнг туман галла топшириш режасини бажарганига, деҳқонга галла тегаран, — деди пуаратчи Алишер Шоймардонов. — Бу йил ўзгача бўлди. Шу бонс ҳам деҳқон ерга бутун меҳрини бериб ишлапти.

СУРАТДА: пуаратчи Алишер Шоймардонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мардлар кўриқлайди Ватанини

Сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда

«Халқ сўзи» маъсус мухбири Озод РАЖАБОВ жангдор машқ майдонидан хабар қилади.

Шу кунларда Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари режасига мувофиқ ҳарбий ўқув машқлари бўлиб ўтаётган. Мазкур жараёнга қўмондонлик қилаётган генерал-полковник Тўлқин Собировнинг берган маълумотларига кўра, жангдор машқларда Мулофа вазирилик, Ички ишлар

вазирилик ва давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмонотнинг маъсус бўлиналари иштирок этияпти.

Хўш, ушбу жангдор машқларни ўтказишдан мақсад нима? Ҳарбий бўлиналарнинг разведка-қидирув харажатларини олиб боришдаги самардорлигини ошириш, гараз ниёти турли террорчи гуруҳларни зудликда тор-мор қилиш қўнқимчаларини шакллантириш, ўтиш қийин бўлган тоғли ҳудудларда Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, қўшинларнинг ҳар томонлама шайлигини юксак

даражага кўтариш асосий мақсад қилиб белгиланган. Денгиз сатҳидан 3500 метр баландликда бўлиб ўтаётган жангдор машқларда шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар иштирок этишарди. Уларнинг сифати харажатлари, замонавий-ҳарбий техника мосламаларидан усталик билан фойдаланаётганини кўриб нарса хаёлангандан кейин: сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда.

Жангдор машқ майдонидан бўлиб ўтаётган бошқа воқеа-ҳодисалар билан кейинчи чиқишларда таништирамиз.

МУСТАҚИЛЛИК
1991 1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001
МУНАВВАР ЙЎЛ

«Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўздан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир».

Ислон КАРИМОВ.

Катта карвон қўнғироқлари

Буюк келажак сари интилаётган ЎЗБЕКИСТОН ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўлида дадил одимларди. Бош стратегик мақсад ҳам аниқ; бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш.

Шунинг учун ҳам тетапож қадамларини залворли одимларга айлантираётган ёш давлатнинг раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқаларини кучайтириши, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни устувор вазифа қилиб белгилади.



Элимиздан тўкин-сочинлик аримасин.

Шунинг учун ҳам тетапож қадамларини залворли одимларга айлантираётган ёш давлатнинг раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан алоқаларини кучайтириши, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни устувор вазифа қилиб белгилади.

Миллий тотувлик, ҳамжihatликда яшаш мамлакат тараққиётини, фаровон турмуш тарзини таъминлайдиган асосий меъорлардан ҳисобланади.

Мустақил давлатнинг биринчи ордени



Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, уни маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялашга мамлакатимизда аввал бошдан катта эътибор қаратилган.

Шуни айтиш керакки, оналар ва болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган давлат ва жамоат тузилмалари ходимлари шу юксак орден билан тақдирланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўли қандай? Республика раҳбарияти пулнининг қадрига эълан қилиб, раҳбариятнинг қўлидан нима чоралар кўрмоқда? Мамлакатда ислон ақидапарастлигининг таъсири

шининг мажлисида муҳокама қилиш учун ахборот тайёрлаш мақсадида ишларнинг аҳолини батафсил ўрганиш ва фактлар тўплаш учун Сизнинг шахсий вакилларингизни минтакамизга юборишингизни сўрайман.



Ислон Каримовни БМТнинг 48-сессиясидаги маърузасидан сўнг Американида истиқомат қилаётган миллатдошларимиз қизгин кутлашди.

лабки кундан бошлаб ана шу йўлда собит эканлиги ҳам яққол кўринган ҳақиқат. Энди бунга ҳеч ким шубҳа қилмайди. Энди унинг байроғи остида А-310 русумли евроаэробуслар уча бошлади.

Ўзбек пахтасининг додруғи

Шу даврда кечган жараёнларга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон нафақат ташқи, балки ички сибсатда ҳам собит турганини сезиш қийин эмас.

1999 йил

- 3 январь — Тошкентда Ўрта Осиё мамлакатлари давлат раҳбарлари учрашуви бўлди.
25-28 январь — Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.
1 февраль — Ислон Каримов Давос умумдунё иқтисодий анжуманида нутқ сўзлади.
2 март — Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлганининг бир йиллиги кенг нишонланди.
4 март — «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.
3 апрель — Туркия Президенти Тургут Ўзөл Ўзбекистонга ташриф бурди.
23 апрель — Хукуматга қаршли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ташкил қилинди.
27 апрель-1 май — Ислон Каримов расмий сафар билан Германияда бўлди.
6 май — Тошкентда ўн иккинчи қақриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси иш бошлади.
16 июнь — А-310 аэробуси Ўзбекистон байроғи остида уча бошлади.
17 июнь — Ўзбекистон Президенти «Форум-Фонд» халқаро иқтисодий ташкилотининг таклифига биноан Швейцарияга жўнаб кетди.
31 август — Тошкентнинг қоқ марказида Амир Темур хайкали очилди.
16 сентябрь — Бухорода Баҳоуддин Накшбанднинг 675 йиллиги кенг тантана қилинди.
28 сентябрь — Ислон Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида катнашди ва нутқ сўзлади.
27-30 октябрь — Ўзбекистон Президентининг Францияга сафари.
17 ноябрь — Ислон Каримов Буюк Британиянинг Рейтер ахборот агентлиги, Би-би-си корпорацияси ҳамда ушбу мамлакатда нашр этиладиган «Геральд» газетаси муҳбирларини уларнинг илтимосига биноан қабул қилди ва саволларига жавоб қайтарди.
22-25 ноябрь — Ислон Каримов расмий-амалий ташриф билан Буюк Британияда бўлди.



«Обод бўлсин юртимиз, шод бўлсин қўнғилимиз!» Давлатимиз раҳбари «Туркистон» саройи очилишида ана шундай ният қилгандилар.

бўлмас эди. Эҳтимолки, Каримов можаро энди қуртак отаётганда уни баргараф этиб, халқро ҳамдўстликнинг миллиардлаб маблағини тежаб қолаётгандир.

Юртга қайтган соҳибқироним

Аслрлар давомида оламни титратган қадим Туроннинг ташқи дунё билан қўйгани беҳиз эмасди. Зеро, Шарқнинг улғу саркардаси, шавкатли бобокалонимиз Амир Темур узок айрилиқдан сўнг юртга қайтганди.

31 август, соат 17.00. Амир Темур хиббони. Республикаимиз жамоатчилик вакиллари, меҳмонлар нигоҳи байрамона безатилган майдон ўртасидаги оқ мато билан ўралган соҳибқирон хайкалида.

Президент Ислон Каримов йиғилганларни ва мамлакатимиз ахлини мустақиллик байрами ҳамда соҳибқирон хайкалининг очилиши билан табриклайди.

1993 йил давомида Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилдиган бундай воқеалар жуда кўп бўлди.



Куч — адолатдадир!

жаҳондаги хавфсизлик ва экология муаммоларини баргараф этиш бўйича ўринли таклифлар билдирилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

«Янги ўфқлар очган сафар». Омавий ахборот воситалари Ислон Каримовнинг Франция Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлишини ана шундай баҳолашди.

Ҳамкорлик масофа билмас

Бир дунёнинг Осиё қисмида, бошқиси Европа қитъасида жойлашган икки давлат — Ўзбекистон ва Германиянинг номи сўнги пайтда матбуотда тез-тез ёна-ён тилга олинмоқда.

«Бирлашган Миллатлар Ташкилоти»нинг Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Президентини Ислон Каримовнинг сийсий фаолиятига эътибор бериб, бекорорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса ёмон

Озод РАЖАБОВ.

Мустақилликнинг 10 йиллиги олдида

Меҳр кўзда дейишди — рост гап. Кўзлар тўқнашганда дил айрайди, кўнгли кувнайди. Ҳаётингизда ҳеч кўрмаган, учратмаган бегона кишининг дилидагиларни ҳам кўзлар ошкор айлайди-қўяди, аслида...



Уғлонларга аталган шеърлар ўқиганда аскар йигитлар ўз оналари, опа-сингиллари, сеvimли ёрлари билан тиллашгандек бўдилар гўё. Буни уларнинг ижодкорлардан дастақ олаётганида ҳам пайқадик. Айниқса, хизматда ўрнак кўрсатган ҳарбийларга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Фарий Ёрдиқовни топширишганда...

ДИЙ ДОРЛАШУВ

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» ҳарбийлар ҳузурида

Ҳарбий қисм ҳудудига борганимизда кўп фарзандлик каттакан бир хонадон — оилага кириб қолгандек ҳис этилди ўзимизни. Қисмининг ҳоли саҳна озода, бир таррафи боғ. Юқоридаги икки қаватли бино — ётқонхона. Тоғ йўлакдан қирраверишдаги хоналар — маънавият, руҳий дам олиш, ётқонхоналарнинг шинам, сарайком-сарайшаниги, гуллар билан безатиладигани бу «оилада» фақат ўғлонлар яшашига бироз шубҳа ҳам ўйғотади. Бирок бу ердаги бошиқлар — оналар ўрини ҳам босувчи ота-оналарнинг қаттиққўлиги, интизомтаълобчилиги оила йигитларини барча юмушларни ўзлари бажаришига ундайди.



Ховлиннинг катта қисми кўм-кўк майсатор. Бу ерда машқ қилаётганлар гўё ота-онаси измидан чиқмайдиган мўмин қобилдек кўринса-да, айна пайта мард, жасур, маърифати кўздан сезилб турдиби. Булар ўз ватанида хизмат қилаётган ўзимизнинг шу-иқорлар. Она юрти Ўзбекистоннинг, халқи тинчлиги, осойишталигини сакловчи аскарлар. Ҳарбий қисмининг Маънавият-маърифат уюмга йиғилган офицерлар, прапоршчик, сержантлар ҳам инчунун. Улар бу ерга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ижодий жамоаси, шунингдек, халқимизнинг сеvimли ижодкорлари билан диллашув, дийдорлашувга тўпанишган. Турни, аввалига тортиниш, бироз бе...

Куйдирги ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни махсус бацциллар чақиради. Касалликни кўзгоччи бацциллар 2 хил, вегетатив ва спорасиз бацциллар билан спорасиз бацциллар ташқи муҳит, қўри ҳарорат ва дизенфекцияловчи моддалар таъсирига чидамасизди. Одам организмиде бацциллалар спорасиз бацциллар бўлади. Бундай бацциллалар ташқи муҳит таъсирига, қўри ҳароратга ва дизенфекцияловчи моддалар таъсирига ўта чидамли бўлиб, сувда 10 йил, тупроқда эса бир неча ўн йиллаб яшаши мумкин. Тупроқда кўп йиллар сақланадигана қолмай, балки унда кўпайиши ва тўпланиши ҳам мумкин.

Бемор уни кўпинча ёриб ташлайди, натижада у қўриб кўмир рангини эслатувчи тўқ кўзил рангли вал билан ўралган инфилтратга айланади. Унинг атрофиде иккиламчи пустулалар пайдо бўлади. Яра шишади, марказида оғриқ бўлмайди. Бу даврда лимфа безининг катталашуши ҳам намоён бўлади. Касалликнинг бошланиш даврида бош оғриши, бутун тананинг зирқираши, нафас олишининг тезлашуши, касалликнинг 2-3 кунлари эса тана ҳароратининг 39-40 даражагача кўтарилиши ва захарланиш белгиларининг кучайиши оғриқнинг пайдо бўлиши, қўшиш ва ич кетиши билан характерланади. Беморнинг аҳоли тезда оғирлашадигана ва касаллик фожеали якун топади. Касалликнинг фақат тери шаклида тиббий муолажалар ёрдам бериши мумкин. Куйдирги касаллигининг олдинда олишда касалликка чалинган кишлоқ хўжалик ва уй ҳайвонларини ўз вақтида аниқлаш, уларни бошқалардан ажратиш ҳамда чивин ва пашшадан муҳофазга қилиш муҳим аҳамиятга эга. Куйдирги касаллигининг ўчоқларини аниқлаш, уларни тезкорлик билан тутатиш ветеринария хизмати томонидан амалга оширилади.

Огоҳ бўлинг: куйдирги!

Куйдирги касаллигининг асосий манбалари қорамол, қўй, эчки, от, туя ва бошқалар ҳисобланади. Ҳайвонларда касаллик кўпинча ичак шаклида ўтади. Шунингдек, хастилик ит, мушук ва кемирвучилардан ҳам юқиши мумкин. Куйдирги билан касалланган ҳайвонлар бутун касаллик давомида атрофдагилар учун хавфли бўлади, чунки улар касалликни чақирувчи бацциллаларни пешоб ва нажас орқали ташқи муҳитга ажратиб чиқаради. Уй ҳайвонлари куйдиргига спорадан билан ифосланган яйлорларда ўтлаб юрганда, ифосланган сувни ичганда касалланиши мумкин. Касаллик одамдан одамга юқиши мумкинлиги ҳақида ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ. Одамга куйдирги касал молларни парваришлай, уларни мажбурий сўйиш, ўлган молнинг терисини шилиб олиш, касалланган ҳайвонларнинг терисини, жуни, шохни, суягини қайта ишлаш жараёнида безовита ақинлашганда юқади. Одам куйдиргига чалинган ҳайвонлар махсустларидан тайёрланган кийим-кечак (мўйнали...

кузатилади. Бошининг оғриши кучаяди, бемор ҳолсизланади, қон босими пасаяди, жигар ва буйрак катталашади. 5-8 кундан сўнг беморнинг аҳоли яхшилана бошлади. Куйдирги тери шаклининг энг хавфлиси унинг сепсис шакли, яъни бацциллаларнинг қонга ўтиб кетишидир. Унда беморнинг аҳоли оғирлашади. Бемор йўталганда қон аралаш балғам ажратади, қусади, ичи кетади, нажасида қон пайдо бўлади. Касалликнинг ўпка шакли жуда оғир ўтади ва нохуш оқибатга олиб келади. Хасталик тез бошлади, беморда шамоллаш белгилари, кўркақ қисмида ўткир оғриқ пайдо бўлади, нафас олиши қийинлашади, қон босими пасаяди. Юрак уриши тезлашади, балғамда қон пайдо бўлади. Хасталик 2-3 кун давом этиши мумкин. Куйдиргининг ичак шакли умумий захарланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, қоринда...

Карвон сафари тугади. Бир қанча вазирилик, уюшма ва компаниялар ҳақида ОАБ ҳимкорлигида «Йўл қонди» — умр фойдаси» шiori остида 9 май кунни пойтатхизми марказидан вилотлар бўйлаб йўлга чиққан «Автокарвон» сафари 2 июн Болаларни ҳимоя қилиш ҳақида кунда ишонимсиз өтди. Тадбирнинг максоди шу йил март ойидан кучга кирган янги «Йўл ҳаракати қондорлари» амалиятини кенг тарғиблаш ниятида жойлардаги ташкилот, корхона ва муассасаларда тарғиб-ташвиқ сапарини олиб бори, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, болалар билан боллик йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат эди. «Автокарвон» иштирокчилари Республика Ички ишлар вазирилик Деполат автомобил нazorати Бош бошқармаси олдида тантанали кутиб олинди. Шу жойнинг унда тарғиб-ташвиқ бўлими инспектори, ички бўлими Майор Мансур Рихсиев, «Автохамроҳ» журнали муҳбири Маҳмуд Бўронов ва бошқа иштирокчилар йўллар билан сафар таассуротларини ўртоқлашди. Қумри КАРИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДAVLAT СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ
Куйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:
КАФЕДРА БОШИГИ: Хуқуқий фанлар кафедраси. Махсус фанлар кафедраси (солиққа тортиш). Молия-иқтисод фанлари кафедраси.
КАТТА ҲҚИТУВЧИЛАР: Жиноят хуқуқи ва жараёни асослари - 1. Солиққа тортиш йўналиши бўйича фанлар - 8. Бухгалтерия ҳисоби назарияси - 2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи - 2. Иқтисодий фанлар - 6.
ТАНЛОВ ШАРҲЛАРИ:
Танловда илмий даражага, илмий унвонга, маълум иш стажига эга бўлган ёши 55 дан ошмаган талаборлар қатнашиши мумкин.
Танловда зарур бўлган ҳужжатлар:
• коллеж бошлиги номига ариза;
• талаборнинг тўлдирилган шахсий варақаси;
• 4х6 ўлчамли иккита фотосурат;
• таржима хал;
• хизмат тавсифномаси;
• олий ўқув юртини битирганини тўғрисида диплом нусхаси;
• илмий даражага эғалигини тасдиқловчи ҳужжат;
• босмадан чиққан илмий ишлари ва кашифётилари.
Ишга қабул қилинганлар, солиқ хизмати ходимларига белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида куйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Ақмал Иқромов тумани, С.Юсуфов кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: 75-38-86, 75-63-64, 75-54-82, 173-84-13.

Олтиариқлик томорқачилар
бодрингдан тушган даромадни банкка қўйиб, ойига 120-150 минг сўмдан даромад олишяпти
Фарғонанин Олтиариқ тумани миришкорлари азалдан бодринглари билан машҳур. Бодринг пайрлариде айтилмаган гап қолмаган. Кейинги пайта эса туман ишбилармонлари, табиркорлари ўртасида бозор мавзига ҳамонхан пайрлар ҳам пайдо бўлди. Ҳуқувчи, меҳнат фахрийси Муҳаммадҷон Исмолов узок вақт мобайнида йиққан пул жамғармасини «Асака» банкига қўйиб, гузар чойхонасига чиқди. Биродарлари унга:
— Бунча хомушсиз, домла, аямиз хафа қилдиларми? — дейиши. Домланинг қадронлари ҳамма гапдан хабардор, фойза пул қўйганини билгандилар. Муҳаммадҷон ака ҳам бўш келмади:
— Биз вақтида роса ишладик, шукрки, меҳнатимиз мустақиллик даврида эъзоз топди. Энди шунча йил йиққан даромадимни майда чайнаб, еб ётаман, «Асака»га қўйдим.
— Ётиб сийишга аямиз қўймасов, даромадидан гапиринг, арзийдимми? — сўради Элмурод Тоҷиев. Домланин хабари уни хийла тарасудуланттирди.
— Элмуродбой, пулингиз бор, биламиз. Уни ўтга сақламак, келин аямиз белбоғингизга тугди. Биродарларингизга эса «Асака» кетаринди, битта чойхона палов-да, даромадини эса... қўлингизга туша бошлагач, биласиз. Мен айтганим билан ишонмайсиз.
Биродарлар гурунги давом этарди. Гурунларда ҳам янги бир бурх ҳўқурон. Илгари даромад, ҳориж сармоси, қўшма корхона ва ҳоказо нарсалар тўғрисида гапириб бўлармиди?!
— Худоба шукр, шу кунларга етказди, — дейди Муҳаммадҷон ака. — Ишлаган тоғияти, даромад қилиш учун ҳамма шароит бор. Ҳатто уйиндаги пулингни ишлаатиб, кўпайтириб бераман дейди-я! Туман «Асака» банкидан Аъзамжоннинг ўзи гузарга чиқиб тушунтирди. «Ортиқча пуларнинг бўлса, кўпайтириб берайлик», дейди. Отасига раҳмат.
Ҳақиқатан ҳам, «Асака» банкнинг Олтиариқ филиали ҳодимлари аҳоли ичиде юрмоқда. Мулоқотлар банк учун ҳам, аҳоли учун ҳам қулай бўляпти. Ишбилармонлиқни, табиркорлиқни ният қилганларнинг кўпчилиги саволларига жаоб олмақда. Тумандаги «Ҳамкор» хусусий стоматология фирмаси раҳбари...

Чет эл технологияси ва хомашёсидан лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиеда ягона корхона
«ЛОК КОЛОР СИСТЕМ»
КУШМА КОРХОНАСИ
республикада ЭНГ АРВОН НАРХЛАРДА сифатли маҳсулотларнинг савдоси бошланганини маълум қилади.
Кенг ассортиментдаги маҳсулотлар!
ҚУРИЛИШ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН:
Уй ичларини бўёш учун акрил вододисперсион бўёқлари.
Ташқи деворлар учун бўёқлар.
Алқид эмаллари.
Полларни бўёш учун эмаллар.
Еғоч ва бўялган юзаларни қоплаш учун лаклар.
Акрилат эмаллари.
Грунтовка ва шпатлевкалар.
L 80, 100, 120 мм.ли михлар.
Эмульсия елими.
Силикат елими.
САНОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН:
Универсал алқид бўёқлари.
Универсал алқид лаклари.
Алқид-уретан эмаллари.
Акрилат эмаллари.
Грунтовка ва шпатлевкалар.
Манзил: Ўзбекистон, 700005, Тошкент ш., Фарғона йўли к., 35.
Тел.: (99871) 1914741, 1918094. Факс: (99871) 191746.
E-mail: lokcolor@online.ru.

Б. МАТКАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Солиқни саклаш вазирилик Деполат санитария-эпидемиология нazorати Департаменти бошлиги, профессор.

Уқинг, уқинг...

Хар кимнинг ўз Навоийси бор

Этиборли газетамиз «Халқ сўзи»нинг шу йилги 31 май сонида Раббим Эгамбердиевнинг тақлифини ўқидик. «Саодат» журнаlining 1-сонида чоп этилган Навоий сурати «ноҳушов-лиги билан у кишини ажаблиштирибди. Биз ҳам жонқуяр ўқувчининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда, ўз таажубимизни айтишга журъат топдик.

Навоийнинг буюк сиймоси бизнинг қалбимизга Владимир Кайдалов, Абдулҳақ Абдуллаев, Малик Набиев, Неймат Қўзибоев, Неймат Хаким, Темур Садулла каби таниқли расомлар мўйқалами кашф этган суратлар орқали муҳрланган. Барчасида улугворлик, тафаккур шукҳи, абадият ҳавллари, доғишмандлик балқиб туради ва мўйқалам усталари яратган Навоий портретлари бир-бирига жуда яқин, бир-бирини тўлдирди. Навоий шахсиятидаги ботиний ва зоҳирий гузаллик, қудрат муҷассам уларда. Ҳазрат Навоийнинг «Саодат»да чоп этилган ўша «ноҳушов» қоматли сурати эса Моийқалам мусаввир, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев даҳоси маҳсулидир.

Ажабланишдан таажуб!

Жонқуяр муаллим муаллифи «номалум» деб атаётган сурат эса мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб бўлиб, миниатюра санъати усулида яратилган. Унда ҳам «қошлари, кўзлари, мўйлови (қора!)» доғишманд шоир ҳайратли нигоҳлари билан тасвирланган.

Маҳмуд Музаҳҳиб чизган суратга назар ташлаб, Навоийнинг байтларини ўйлайсиз.

Соқол оқи ўлимга пешравдур,
Тириклик сабзаси узра қиравдур!
Беназир шоир Навоийнинг бир байтида айтилишича, машўқ маҳбубаси расмини чиғиб, унинг остонасига борибди. Маҳбуби бу суратни қўлга олиб, қошларини чимирибди, шу ҳам сурат бўлибди, деб отиб юборган экан, ўша ўшшамаган сурат осмонга чиғиб, ойга айланиб қолибди.

Навоийнинг ўша биз чоп этган сурати ҳам маънавий мулкимиз, маданиятимизнинг зийнати эканини ҳурматли муаллимга эслатиб қийинчи жоиз деб билдик.

Ойдин **ҲОЖИЕВА**,
«Саодат» журналы бош муҳаррири.

Халта очилиши биланоқ, ичидан икки илон бош кўтарди. Илон бўлганда ҳам чаканаси эмас, нақд Марказий Осиё қобраси. Даврада чаққоқлашиб ўтирганлар, табиийки, бир сесканиб тушишди. Илонларнинг эгаси эса пинагини ҳам бузмади. Аввалига уларни ерда, кейин бутун вужуди узра ўрмалатди, очик бўйнига ўради. Сўнгра ўтирган жойида илонлардан бирига бироз азоб берди. Оғзини очиб, пилани тишлаттирди, бошини маҳкам қисди. Қўйиб юборгач, илон кескин ҳаракатда келиб, асабий вишиллади ва соҳибининг қўлига ўқдек ўрилди...

Алишер Ерматовнинг касби зоотехник. Ҳадемай, 50 ёшни қаршилади. Нуробдо туманининг Жом қишлоғида яшайди. Оилали. Фарзандлари мўмин-қобил. Ўзи хушчақчақ, ҳазил-мутойибани жойига қўяди. Шу боис у бор давраларга жон қиради.

— Ёшлигимдан илонлар билан муомала қилишга қизиқдим, — дейди Алишер ака. — Дастлаб кичикроқ илонларни қўлга ўргатдим. Бора-бора каттароқларини. Ҳозир уйимда 5 та қобра боқаяпман. Ҳаммаси заҳарли. Мана буниси, — у шундай деб бошини мағрур кўтариб турган илонга ишора қилди, — қўлимни икки бор чаққан. Бугунгиси учинчи марта.

Дарвоқе, унинг ўнг кафти орқа томонидан қон сизиб, атрофида шиш пайдо бўлганди. Бу шиш дақиқа сайин катталашиб борарди.

Илон заҳри қор қилмайди

— Оғрик тўрт кунгача давом этади, шиш ҳам шунча вақтда қайтади, — изоҳ берди Алишер ака. — Дастлаб илонга бармоғимдан чаққиргандим. Мақсадим — вужудимни оғуга ўргатиш эди. Чунки илон илон-да. Эҳтимол, у қачондир бўйимни ёки бошимдан чақиб олар. Ҳозирча ҳаммаси кўнгилдагидек. Илонларим мени яхши тушунади. Мен ҳам хафа қилмайман, вақтида егулигини берман. Улар фақат имо-ишораларинини эмас, сўзларимни ҳам англайдиган бўлиб қолишган.

Ҳақиқатан ҳам, шундай эди. Бошларини кўтариб, ён-атрофдаги одамларга қараб вишиллаётган илонлар эгасининг буйруғини эшитди-ю, мулоим бўлишди-қолишди. Алишер ака уларни оддий буюм сингари қопига жойлаб олди.

Абдул **РАСУЛ**,
«Халқ сўзи» муҳбири.



Афсона эмас, ҳақиқат

ХИКМАТ Тамаъ гулгун юзни қилур заъфарон, Тамаъ бошин кесган бўлсанг мард инсон.

қилмайман, вақтида егулигини берман. Улар фақат имо-ишораларинини эмас, сўзларимни ҳам англайдиган бўлиб қолишган.

НАСИҲАТ «ТОПИҚ» кийган қизлар

Бир кунни ўн ашар қизчам, «менга топиқ олиб беринг. Ҳозир ҳамма ўшандан кийяпти» деб қолди. «Қанчақалигини кўрсатсанг олиб бераман» дедим. Яқинба кунни бозорга тушмоқчи бўлидик. Автобусда кетибди қизим мени сескингина турди:

— Ойжон, анави қизнинг этнидига қаранг. Уша топиқ бўлади.

Қизимга ҳеч нарса демасдим, ичидан нимадир узилгандай бўлди. Тўртис, отили-отили, бирозни ҳурмат қилдиган ўзбек қизи уни қандай кийишлигига ҳайрон қолардим. Очик-соқик юрган бу қизлар ёшимиз, деб бепарво қўл силтар, аммо ака-ука, опа-сингил «топиқ кийиш уят эсанлигини» тушунтирсалар бўларди. Базан балоғат ёшидаги ўзбек қизларини калта топиқда ярим яланғоч юрганларини ҳечам ҳазм қилиб бўлмайдик.

Бозорга бормганимизда сескингиз: «Ҳафа бўлмагину сенга бу кийимни олиб бераманман. Ундан кўра қўйлақ сотиб оламиз», дедим қизимга. У рози бўлди.

Маъсула **ЎҚУБОВА**.

Ўзингиз биларкансиз — ўзингиз ишлайверинг

Жонқоғил дурдоголик бўйича шундай зур эшик. Қизриқ туманида унинг олдига тушадигани топиламан. Истарали амалдорлар уни уйига олиб бориб, стол, стул, шкаф ясағишар эди.

Икки ойлар изидан эрганиб ялийиб-елвораверганидан кейин «Ҳамайли бироз ишласам-ишлайман» дея Чорибойнингга борди. Унинг икки қаватли уйи тоғини ёшига киришди. Уста эрталабданок терга ботиб ишлар, бироз сескин ҳаракат қилса-да, ҳар қандай юмушни қўйиллатиб бақарар эди.

Чорибой Жонқоғилнинг олдига келди-да, уни кузата бошлади:

— Уста ака, мана бу гиштларни бундай териб керак! Шиферлар тигирок қўйилиб кетмасин тагин! Манави тахталар кенгрок қўйилгани маъқул!

Уста Чорибойнинг ақл ўргатаверганидан безор бўлиб кетганди. Қўлидаги аррани итқитиб, унга юзланди:

— Чорибой, шиферни бундай қоқинг керакми?

— Ҳа, шундай қилинг!

— Ҳов бўлмасам, ўзингиз биларкансиз, ўзингиз томингизни ёпаверинг.

Жонқоғил асбобларини халтасига жойлади-да, уйига кетиб қолди.

Полковник Жовлиев титради

Саксонинчи йилларда ўша Жонқоғил пахта пунктида тарозион бўлиб ишлар, зиёфат жону дили эди. Бунинг устига башанг кийиниб юрарди.

Бир кунни у Жўра деган ошпаси билан Жарқўрғондаги ресторанига бориб, роса мириқиб ўтирди. Сўнг кувботишига сал қолганда уйга қайтди. Жонқоғилнинг «Газ-24» машинаси рулини Жўра бошқариб бораётган эди. Сурхондаги ДАН масканига келишганда хўштак чалинди.

— Ух, Жонқоғил, расво бўлдик, — деди ошпаси қалт-қалт титраб. — «Правам» уйда қолган. Узим ширақайман.

— Ишинг бўлмасин, — деди Жонқоғил бепарво. — Йули бор. Шу пайт ДАН ходими келиб, ўзини таништирди:

— Милиция лейтенанти Узоқов. Ҳани, ҳужжатларни қурайлик. Орқа уриндикда ўтирган Жонқоғил инспекторга жиддий қаради:

— Полковник Жовлиев айтишди. Хизматлар қалай? Командир? Инспектор бирдан хўштер тортиди.

— Вутти, Оқ йул, Жаноб полковник!

Улар машинадан ут олдириб, йигирма қадамча юришгач, шарақлаб кулиб юборишди. Кейин Жўра Жонқоғилдан сурди:

— Агар гувоҳномагини кўрсатишни талаб қилса, нима қилардинг?

Шунда Жонқоғил титраб кетди:

— Қўй оғайни. У азобларни кўриш сенгям, ментаям насб этмасин.

Жовли **ХУШВАҚОВ**.

Жумбоқ: Ниманинг учини ва охирини топиш мумкин эмас?

2 шундаги жумбоқнинг жавоби: $вер-гул$, чунки $4 < 4,5 < 5$

Бу ҳақда тахриратимизга Намангандан Музаффар Абдуллаев, Қашқадарёдан Ҳамид Прижков, Хива шаҳридан Отаназар Қурбонвалар 136-29-89 телефони орқали хабар қилишди.

Қизиққанга кенг дунё!

ЯНВАР — икки юзли худуд. Янус шарафига яндариус деб атаган. Римликлар эътиқодича, у ҳар нарсонинг ибтидоси ва интиқо ҳосига ҳоий ҳисобланган.

ФЕВРАЛ — латинча «фебруа» сўзидан олинган бўлиб, марснинг тумани Февруарий номига қўйилган. «Февруариус» сўзи тозалиши, поклиши деган маъноларни оғлотади.

МАРТ — асли «мартиус». Деконлар ва чорвадорлар ҳоийи. Марсинг исми.

АПРЕЛ — «априоре» сўзидан. Мазмуни: «Уз иньомларини намобн этувчи». Баъзи монбарларда гузаллик ва муҳаббат маъбудаси Афродита исмидан, айримларида ҳосилдорлик худоси номидан келиб чиққан, дейилади.

МАЙ — маъбуда Майя (Майс) исмидан олинган. Гузаллик ва шоду хуррамлик палласи ҳисобланади.

ИЮН — Юлигер (Муштарий)нинг рафиқаси — маъбуда Юнона шарафига қўйилган. Афсона-

риовяларга қараганда, Юнона аёлларга ҳоийлик қилган, эр-хотинларнинг қўша-қошишини, уларим доридо унга фақат оналик-мутойибани жойига қўяди. Шу боис у бор давраларга жон қиради.

— Ёшлигимдан илонлар билан муомала қилишга қизиқдим, — дейди Алишер ака. — Дастлаб кичикроқ илонларни қўлга ўргатдим. Бора-бора каттароқларини. Ҳозир уйимда 5 та қобра боқаяпман. Ҳаммаси заҳарли. Мана буниси, — у шундай деб бошини мағрур кўтариб турган илонга ишора қилди, — қўлимни икки бор чаққан. Бугунгиси учинчи марта.

Дарвоқе, унинг ўнг кафти орқа томонидан қон сизиб, атрофида шиш пайдо бўлганди. Бу шиш дақиқа сайин катталашиб борарди.

Ойлар номининг таърифи

Кейинчалик давлатнинг асосий маъбудаларидан бирига айлантиришган.

ИЮЛ — Рим давлат арбоби, машур саркарда Олий Цезар шарафига шундай аталган. Олий Цезар эраимиздан аввалги 44-йилнинг 15 мартда Сенатнинг мажлислар заллида ўлдирилган.

Август — Олий Цезарнинг назира жиғини, асранди ўғли ва вориси — Рим ҳокими Октавион Август номига қўйилган. У душманлари устидан ғолиб чиққач, Римда энг қудратли одам бўлиб қолган ҳамда ҳоқимиятни таңхо ўзи бошқарган.

СЕНТЯБР — кўнча Римда қабул қилинган ўн ойлик тақвимнинг тартиб бўйича еттинчи ой. Латинча «Септимбер» дейилади, етти сонини билдиради.

ОКТАБР — кадимки римликлар тақвимидоги саккизинчи ой. Латинча «октобер», ўзбекчада эса «саккиз» дегонидир.

НОВАБР — лотин тилидаги «новембер» сўзидан. Рим эски тақвимидоги ойларнинг тўққизинчиси.

ДЕКАБР — шу тақвимнинг сўнгги ойи. Латинча «децимбер», «Деким» — «ўн» демакдир.

Абдунаби **ҲАЙДАРОВ** тайёрлади.

Наргиза меҳмонларни очилиб-сочилиб кўтиб олди. Фарҳод ва Манзура ҳам бундай ултифотдан хурсанд эдилар. Бироз суҳбатлашиб ўтиришди.

— Альбомимни кўрсатсаларми?

Меҳмонлар альбомни варақлашга тушдилар.

— Бу ким?

Фарҳод Сиддиқовнинг саволига Манзура Қодирова эриниғина жавоб берди: — Нозима Мамажоновна. Кейин қўшиб қўйди.

— Чет элликча турмушга чиққан. Шунинг учун ҳаммағида тилла...

Манзура яна нималариндир узоқ гапирди. Фарҳоднинг хаёли бузилганди.

— Қарера туради, лекин анов аёғини? Талмовсираб берилган саводини Манзура ўзинча талқин этди. Сўнг Фарҳодга ёв

нари-беринида. Ўрта махсус маълумотга эга. Икки йил бурун боқинчилик жиноятини содир этгани боис сулданган. Ҳеч қаерда ишламайди... Ёғир бекори.

Суд очерки

«Дом» бўлгандан кейин ўтган-кетганга унча парво қилмайман. Хонадан кўп бўлиб, келган одам кимга ақинлигини қаёқдан билсан. Биров билан ишинг нима? Шунинг фаҳмлагани ҳолда Ф. Сиддиқов Чилонзор туманидаги 3-даҳа, 47-уй атрофини анча кезди. Унча керакли

хонадоннинг эшигини кузатди. Нозиманинг уйдан чиқishi, қайтишини обон ўрганди. Ёвуз режалар тузди. Лекин бунини Мамажоновна қаёқдан билсин. У ўз ўмушларни билан овера эди. Таниса, қаёқда ниятдан хабардор бўлса экан, уч-тўрт кундан бўён ўзини пойлаб юрган шайтонга чап берса.

Жиноят оламиди озми-қўлим «тажриба» орттирган Сиддиқов арқонини узун ташлади. Чунки ўйлаган, хаёлига келган қаёқда ниятнинг амалга ошириши мушкул. Демак, унга ишончли шерик керак! Ана шу «ташиш»да узоқ изланди. Бир кунни қараса, қилдиргани оёғи остидан чиқиб турибди. Уям ўзига ўшағанлардан — бир «дом»дан икки дўғонани топиб, танишган «дустки» Умид Маждидов.

Эҳтиёткорлик ҳамиша асқотилишини Сиддиқов яқин биларди. Шу сабабли у Умидни обон сиғиди. «Ҳафа бўлмагину сенга бу кийимни олиб бераманман. Ундан кўра қўйлақ сотиб оламиз», дедим қизимга. У рози бўлди.

Умид каловланиб ўтирмасди: — Хизматдан қочмаймиз, оқа!

(Давами бор)

Қаҳрамон **МИРЗАЖОНОВ**,
Тошкент шаҳар суднинг жиний ишлар бўйича раиси муовини,
Қурбон **ЭШМАТОВ**,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда барча манфаатдор шахслар диққатига!

Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси қошида малакали мутахассисларни тайёрловчи ФАВВОСЛАР МАКТАБИ фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мактабда қуйидаги мутахассислар тайёрланади:

- 1, 2, 3 тоифадаги гаввослар;
- сувошти чуқурликларида ишловчи гаввослар;
- йўриқчи-гаввослар;
- қўтқарувчи-гаввослар;
- сузиш бўйича тренерлар;
- матрос-гаввослар.

Телефонлар:
137-56-13, 34-93-46,
67-74-45, 67-72-46.

9-СОН ТОШКЕНТ ШИНАТИКЛАШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

БАРЧА ТУРДАГИ ЕНГИЛ ВА ЮК АВТОМОБИЛЬ ШИНАЛАРИНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁН АСОСИДА ҚАЙТА ТАЪМИРЛАБ БЕРИШ УЧУН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Қайта таъмирланган автотишларнинг йўл босиши янги шиналарга нисбатан 65-70 фоизни ташкил қилиб, нархи эса 30-45 фоиз қийматга тўғри келади.

Шунингдек, завод автомотбиллар учун резина-техника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА РЕЗИНА ХОМАШЕСИ СОТИЛАДИ.

Манзил: Тошкент, Дадабоев кўчаси, 52-уй.

Телефонлар: 48-55-87, 48-55-89.

«ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси

Босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишча топириши вақти — 21.00. Топирилади — 21.00.

1 2 3 4 5 6

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, С. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲЗОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), Ғ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхонлар билан алоқа ва минакалар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқор хабар — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 2515, 26098 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрират компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Навбатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусахҳас — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.